




2022 сентябрь

**Аҳолининг даромадлар
кесимида инфляция даражаси
ва сезилган инфляция**




Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент 2022 йил

I. Аҳоли томонидан сезилган инфляция динамикаси


Жорий йилнинг сентябрь ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентлар томонидан **сезилган инфляция пасаявчи** динамикани давом эттириб, **14,8 фоизни** ташкил этди. Бунда, белгиланган жавобларнинг медиана¹ қиймати **11,6 фоиз** атрофида шаклланди (1-расм).

1-расм. Аҳоли томонидан сезилган инфляция динамикаси (фоизда)



Шу билан бирга, сўров иштирокчилари орасида инфляцияни 8 фоиздан паст даражада ҳис қилганлар улуши июнь ойидан бошлаб мунтазам равишда ошиб бормоқда (18 фоиздан 31 фоизгача). Аксинча, 20 фоиздан юқори ошганини ҳис қилганлар улуши сезиларли қисқарди (37 фоиздан 24 фоизгача).


2-расм. Сезилган инфляция бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг сони)



¹ Медиана қиймати –жавоблар вариацион қаторини тенг иккига бўлувчи қиймати.

Сентябрь ойида ҳам август ойи каби нархлари юқори даражада ошган деб **гўшт, сут, нон, ун, шакар ва ёғ** маҳсулотлари кўрсатилган. Бироқ, нон, ун, шакар, бензин ва қурилиш молларининг нархлари юқори ўсишини қайд этган респондентлар улуши ўтган ойга нисбатан камайди (3-расм).

3-расм. Нархлари юқори ўсанлиги қайд этилган жавоблар
(умумий жавобларга нисбатан, фоизда)



Мамлакатга туристлар оқими кўпайишининг ижара нархларига таъсири сентябрь ойидаги респондентлар жавобларида акс этди.

Шунингдек, **ташиш ва алоқа хизматлари, савдо, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида** фаолият юритаётган сўров иштирокчилари инфляцияни юқорироқ даражада сизди.

4-расм. Соҳалар ва ҳудудлар кесимида сезилган инфляция (фоизда)



Ҳудудлар кесимида	Инфляция (%)
Бухоро вил.	17,1
Наманган вил.	17,0
Тошкент ш.	16,6
Хоразм вил.	16,4
Қорақалпоғистон	16,1
Тошкент вил.	15,7
Самарқанд вил.	14,9
Республика	14,8
Сирдарё вил.	14,3
Фарғона вил.	14,2
Қашқадарё вил.	13,7
Жиззах вил.	12,9
Сурхондарё вил.	12,0
Андижон вил.	11,6
Навоий вил.	11,3

Мамлакат ҳудудлари кесимида сезилган инфляциянинг нисбатан юқори кўрсаткичлари **Бухоро, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида** кузатилган бўлса, нисбатан паст кўрсаткичлар **Навоий, Андижон** ҳамда **Сурхондарё** вилоятларида қайд этилди.

II. Ҳудудлар ва даромадлар кесимида инфляция динамикаси

2022 йилнинг сентябрь ойида йиллик инфляция даражаси **12,2 фоизни**, озиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси эса **16,6 фоизни** ташкил этди.

5-расм. Ҳудудлар кесимида инфляция динамикаси

Ҳудудлар	Умумий инфляция	Озиқ-овқатлар	Ўозик-овқатлар	Хизматлар	
Умумий инфляциядан юқорироқ шаклланган ҳудудлар	Қорақалпоғистон	12,8	18,0	11,0	6,2
	Навоий	12,7	17,1	11,7	6,2
	Фарғона	12,6	16,5	10,9	8,1
	Сирдарё	12,5	17,3	10,8	6,2
	Сурхондарё	12,5	17,8	10,9	5,3
	Тошкент ш.	12,5	15,9	11,3	8,1
	Наманган	12,3	17,0	10,5	6,6
	Бухоро	12,3	16,1	11,0	7,2
Республика	12,2	16,6	10,9	6,4	
Умумий инфляциядан пастроқ шаклланган ҳудудлар	Андижон	12,2	17,1	11,0	5,2
	Хоразм	12,2	16,7	11,0	5,8
	Тошкент в.	12,1	16,0	11,2	6,3
	Жиззах	11,9	15,5	11,0	6,7
	Қашқадарё	11,8	16,2	10,8	5,4
	Самарқанд	11,7	15,9	10,3	6,1


Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ҳудудлар кесимида, **8 та ҳудудда** инфляция кўрсаткичлари республика бўйича ўртача умумий инфляция даражасидан баланд бўлди. Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида озиқ-овқат нархлари ўсиши суръатлари қолган ҳудудларга нисбатан юқорироқ эканлигини кўриш мумкин.

Хусусан, апрель ойидан бошлаб ички нархлар ўсишининг тезлашгани аҳолининг, айниқса, кам даромадли гуруҳларнинг сезилган инфляцияси юқори шаклланишига сабаб бўлди.

Бунда, июнь ойида даромадлари 2 млн. сўмгача бўлган уй-хўжаликлари инфляциясининг умумий инфляциядан тафовути **2,4 фоиз бандгача** ошган бўлса, сентябрь ойи якунлари бўйича ушбу кўрсаткич **2 фоиз бандгача** пасайди.

6-расм. Даромадли турлича бўлган гуруҳлар учун ойлик ва йиллик инфляция динамикаси




Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Бу, кам даромадли уй хўжалиklarининг истеъмол саватида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши юқорилиги шароитида апрель-сентябрь ойларида асосан **озиқ-овқат маҳсулотлари нархларида юқори ўсувчи тенденциялар кузатилганлиги** билан изоҳлаш мумкин.

Шу ўринда, **ижтимоий товарлар²** нархлари ўсиши сентябрь ойида (йиллик ҳисобда) **16,9 фоизга** тенг бўлиб, умумий инфляция билан фарқи **4,7 фоиз бандни** ташкил этди.

7-расм. Ижтимоий товарлар нархлари ўсиши ва умумий инфляция (фоизда)



Юқорида қайд этилганидек, апрель ойдан бошлаб ички нархларнинг сезиларли даражада қимматлашиб боргани ижтимоий товарлар нархларининг ўсиш суратларида ҳам намоён бўлмоқда.

² Ижтимоий товарлар: мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти, тухум, картошка, пиёз, сабзи, олма, гуруч, биринчи навли буғдой уни, обинон, ўсимлик ёғлари ва шакар (умумий инфляция таркибидаги вазни - 15,4 фоиз).

Бунга асосан, ўтган даврда ушбу гуруҳ товарлари таркибидаги **ун маҳсулотлари** (*биринчи навли буғдой уни ва обинон*), **шакар, тухум, кунгабоқар ёғи** ҳамда **гуруч** нархларининг кескин қимматлашиши оширувчи таъсир кўрсатди.